

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

КОСБЕРГЕНОВА БИБИНАЗ МУРАТБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИДАН ФУНКЦИОНАЛ НОН ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.11- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта
ишлаш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по сельскохозяйственным наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on agricultural sciences**

Косбергенова Бибиназ Муратбаевна

Қорақалпоқ буғдой навларидан функционал нон ишлаб чиқариш
технологиясини такомиллаштириш.....3

Косбергенова Бибиназ Муратбаевна

Совершенствование технологии производства функционального хлеба из
каракалпакских сортов пшеницы19

Kosbergenova Bibinaz Muratbayevna

Improvement of functional bread production technology from Karakalpak wheat
varieties35

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

КОСБЕРГЕНОВА БИБИНАЗ МУРАТБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИДАН ФУНКЦИОНАЛ НОН ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.11- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта
ишлаш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси махууси Ўзбекистон Республикаси Олий иттиestiaция комиссиясида В2021.3.PhD/Qx802-рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уш тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаши веб-саҳифасида (www.idan.uz) ва «Ziyoumet», Ахборот – тилим порталида (www.ziyoumet.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар:

Салихов Суръат Акрамович,

Биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Азизов Ақтам Шарипович

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Саттаров Карим Каримович

техника фанлари доктори профессор

Етакчи танқидот:

Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридagi DSc.05/29.04.2022 Qx.13.04 рақами Илмий кенгашининг 2025 йил 16 май соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: itiazg-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маълумот биноси, 1-қavat, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (552729-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси, Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2025 йил 1 май куни тарқатилди.
(2025 йил 28 мартдаги 11-рақамли ресстр байномаси).




Ш.Н.Асатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши раиси, к.х.ф.д., профессор


М.З.Холмуратов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши котиби, к.х.ф.д., доцент


С.А.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, дон маҳсулотларига бўлган талабни қондириш мақсадида 788,95 миллион тонна атрофида буғдой етиштирилмоқда. Ялпи ҳосилнинг нуфузли улуши “Хитой (138,0 млн. тонна), Европа Иттифоқи мамлакатлари (134,7 млн. тонна), Ҳиндистон (103,0 млн. тонна), Россия (91,0 млн. тонна), АҚШ (44,9,31 млн. тонна), Канада (35,0 млн. тонна) каби мамлакатларга тўғри келмоқда. Буғдой етиштириш ҳажми бўйича Ўзбекистон 6,3 млн. тонна билан 24-ўринни эгаллаб келмоқда”¹. Буғдой етиштириш бўйича етакчилик қилиб келаётган ушбу давлатларда унинг юқори ҳосилдор, дон таркибида клейковина миқдори ва кучи юқори, муҳитнинг стресс омилларига чидамли навларини яратиш, ҳар хил гуруҳга мансуб аҳоли қатламлари учун мўлжалланган нон-булка маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Сўнги йилларда дунёда буғдой етиштириш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар асосан унинг юқори ҳосилдор, кучли клейковинага эга ва чидамли навларини яратиш, қандли диабет, целиакия каби хавфли касалликлар билан оғриган беморларга мўлжалланган шифобахш, кучли зўриқиш билан ишловчи аҳоли қатламлари учун эса қайта тикланувчи ўсимлик хомашёлари билан бойитилган нон-булка маҳсулотлари рецептураларини ишлаб чиқиш йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қандли диабет билан оғриган беморларга мўлжалланган АҚШда буғдой-маккажўхори, буғдой-соя унлари аралашмасидан, Хитой ва Японияда чой замбуруғи ҳужайралари (постбиотик) қўшилган, гуруч уни қўшилган нон-булка маҳсулотлари; паст гликемик индексли Эронда нут уни қўшилган, Россия ва Европанинг кўпгина ривожланган давлатларида жавдар ва бутунлигича тортилган юмшоқ буғдой уни аралашмасидан нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш технологик рецептуралари ишлаб чиқилган. Республикамизда ҳам бундай турдаги нон-булка маҳсулотлари ассортиментига бўлган талаб йилдан йилга ортиб бормоқда. Шу боис бундай турдаги рецептураларни республикага татбиқ этиш, республикада мавжуд хомашёлардан фойдаланган ҳолда янгидан-янги рецептураларни ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Сўнги йилларда республикамизда тўйимли моддаларга бой буғдой унини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ундан нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистоннинг 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Тараққиёт стратегиясида ҳам “озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни, шунингдек, юқори озуқавий қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш”² алоҳида белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан, оқсил миқдори юқори бўлган (30% ва ундан юқори) донларни етиштириш ва сақлаш, ҳар хил гуруҳга мансуб аҳоли қатламлари учун мўлжалланган функционал нон-булка маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш долзарб вазифа ҳисобланади.

¹ [https://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru#:~:text=](https://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru#:~:text=;); [https://agroportal.ua/ru/news/mir/top-20-svitovih-virobnikiv-pshenici](https://agroportal.ua/ru/news/mir/top-20-svitovih-virobnikiv-pshenici;); https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_стран,_производящих_пшеницу

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2023 йил 5 апрелдаги ПҚ-113-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасидаги бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тажрибасида замонавий илмий-тадқиқотлар буғдойнинг янги навларини яратиш, уларни қайта ишлашда янги технологияларни қўллаш, ундан олинадиган маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш йўналишларида олиб борилмоқда. Хусусан, буғдойнинг юқори ҳосилдор, чидамли навларини яратиш ва синаш, ҳар хил гуруҳга мансуб аҳоли қатламлари учун мўлжалланган функционал (глютенсиз, паст гликемик индексли, оқсилга бой ва ҳ.к.) нон-булка маҳсулотлари рецептураларини ишлаб чиқиш бўйича дунёда D. Peressini, I.Taglieri, L. Miller, A.Wolter, A. Sh. Peters, M. Moore, S. W.Horstmann, L. Sato ва бошқалар, МДХ давлатларида А.В. Яицких, Ю.Староверов, Б.Н.Троицкий, О.Л. Вершинина, И.А. Баданина, А.В. Паймулина З.Н. Молдақұлова, Б.Ә. Серікбаева ва бошқалар, мамлакатимизда Х.Н. Атабаева, М. Маннапова, Д.Ё. Ёрматова, Қ.Х. Мажидов, И.Б. Исабаев, Г.З. Джахангирова, Д.А. Гафурова, Ф.Ю.Хамидова, хусусан Қорақалпоғистон Республикасида Б.А. Бекбанов, О. Нағыметов, Д. У. Утамбетов, Г. Аллашов, А.М. Абдуазимов, К.Е. Кудайбергенова, Б.Т. Реймова, З.С. Султанова каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган.

Муаллифлар томонидан буғдойнинг юқори ҳосилдор ва стресс омилларга чидамли нав ва шакллари танлаш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш, маҳсулотларни маҳаллий хомашёлар билан бойитиш тамойиллари яратилган. Хусусан, ҳар хил гуруҳга мансуб аҳоли қатламлари учун мўлжалланган функционал (глютенсиз, паст гликемик индексли, оқсилга бой ва ҳ.к.) нон-булка маҳсулотлари рецептураларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар берилган.

Аммо Қорақалпоғистон учун маҳаллий буғдой донининг биологик ва технологик хусусиятларини ўрганиш, уни сақлаш ва қайта ишлаш нон тайёрлаш технологик усулларини ишлаб чиқиш, қайта ишлаш технологик жараёнларига энг самарали функционал рецептларни ишлаб чиқиш борасида олиб борилган тадқиқотлар жуда ҳам кам ҳисобланади. Шу муносабат билан ушбу диссертацияда тадқиқ қилинган масалалар Қорақалпоғистон Республикаси

шароити етиштирилган буғдой навларидан бойитилган нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юзага келаётган айрим муаммолар ечимини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали илмий-тадқиқот ишлари режасининг №СП-1353/21-сон «Қарақалпоқ маҳаллий буғдой навларидан функционал овқат ишлаб чиқариш технологияси» (2022-2023 йй.) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақалпоғистон Республикаси буғдой навларини қайта ишлаб олинган ундан функционал нон ишлаб чиқиш технологиясини комбинаторика усуллари асосида ишлаб чиқиш ва илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистонда иқлимлаштирилган буғдой донларининг сифат кўрсаткичлари ва новвойлик хусусиятларини баҳолаш;

Қорақалпоғистонда иқлимлаштирилган буғдой навларидан нон чиқиши ва уларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

буғдой ундан функционал (бойитилган) нон-булка маҳсулотлари таёрлаш технологик схемасини ишлаб чиқиш;

махсус рецептлар асосида тайёрланган буғдой нонларининг сифат кўрсаткичлари таҳлил қилиш асосида функционал нон тури тайёрлашнинг мақбул меъёрини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир, Чимбой, Қораўзак ҳудудларида иқлим шароитида етиштирилган буғдойнинг “Амангул” (назорат), “Шўртанбой”, “Давр”, “Асп”, “Ўткир”, “Навбахор”, “Гром”, “Краснодар”, “Антонино”, “Алексеевич”, “Васса” ва “Гурт” навлари, маҳаллий мош, нут унлари ҳамда дуккакли донлардан олинган оксил брикетлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети Қорақалпоғистонда иқлимлаштирилган буғдойни турли навларининг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари, ажратиб олинган буғдой навларининг биокимёвий ва технологик хусусиятлари, функционал озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг технологик, органолептик, физик-кимёвий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар хусусиятларини ўрганишда умумқабул қилинган стандартлардан, тайёр маҳсулотларнинг сифати, органолептик, физик-кимёвий хусусиятлари С.Я.Корячкинанинг «Методы исследования качества хлебобулочных продукции» (2010) услубидан, тажриба маълумотларини статистик таҳлил қилиш А.Н. Гайдадиннинг «Применение средств ЭВМ при обработке активного эксперимента» (2008) услубидан фойдаланилган ҳолда MS Word, MS Excel дастурлари пакетида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистонда иқлимлаштирилган буғдой донларининг сифат кўрсаткичлари ва новвойлик хусусиятларини баҳолаш асосида асл оғирлиги 700-750 г/л, клейковина миқдори 24,0%, ИДК кўрсаткичи 70 бўлган Давр ва Навбахор навлари танлаб олинган;

Қорақалпоғистонда иқлимлаштирилган буғдой навларидан энг йирик ҳажмли (1050 ва 1030 мл.), органолептик кўрсаткичлари 38 баллдан юқори бўлган нонлар Давр ва Навбаҳор буғдой навларининг биринчи навли унидан олиниши аниқланган;

танланган нав буғдой унига нут, мош ёки оксил брикет (нут+мош) уни кўшиб функционал (бойитилган) нон-булка маҳсулотларини тайёрлаш технологик тизимининг назарий схемаси ишлаб чиқилган;

функционал нон ишлаб чиқариш учун бойитувчи сифатида нут уни (2,0%), мош уни (2,0%) ёки оксил брикети унидан (3,0%) фойдаланишнинг мақбул меъёри (рацептураси) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий буғдой навларини комплекс ўрганиш асосида уларнинг клейковина миқдори, ИДК кўрсаткичи, оксил чўкиш сони ва бошқа технологик кўрсаткичлари аниқланган;

Доннинг шаффофлиги 50,0% дан юқори бўлган навлар сифатида “Амангул” (назорат), “Шўртанбай”, “Давр”, “Навбаҳор”, “Васса” ва “Гурт” навлари ажратилган;

енг йирик ҳажмли – 1020-1050 мл. нонлар “Амангул” (назорат), “Давр” ва “Навбаҳор” навларида, қолган навларда 870-1000 мл оралиғидаги ҳажмда нон чиқиши аниқланган;

Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий буғдой навларидан функционал озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашнинг технологик схемаси яратилган;

бундай функционал нон ишлаб чиқариш учун кучли клейковинали (23-24 %) “Давр”, “Навбаҳор”, “Шўртанбай”, “Васса” ва “Гурт” навларига нут унини 2,0 %, мош унини 2,0 % ёки оксил брикет унини 3,0 % миқдорида қўшилганда энг сифатли нон олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий-тадқиқот натижаларининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий ҳисоботларнинг Тошкент давлат аграр университети томонидан ташкил этилган кенгашларда муҳокама этилганлиги ва ижобий тақризлар олинганлиги, тажриба маълумотларининг математик-статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда эълон қилинганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар нашр этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий буғдой навларидан олинган унларнинг биологик қийматини ошириш учун уларнинг кимёвий таркиби ва технологик сифат кўрсаткичлари аниқланганлиги, шунингдек ушбу маҳаллий буғдой навларидан функционал нон ишлаб чиқариш учун маҳаллий дуккакли экин донлари унидан фойдаланишнинг назарий асослари очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қарақалпоғистон Республикаси шароитида етиштирилаётган маҳаллий буғдой навларидан энг юқори сифатли нон маҳсулотлари берувчи навларнинг танланганлиги, улар асосида функционал бойитилган нон ишлаб чиқиш учун маҳаллий дуккакли

экин донлари унидан фойдаланишнинг мақбул меъёрлари (рецептураси) ишлаб чиқилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бугдой навларини қайта ишлаб олинган ундан функционал нон ишлаб чиқиш технологиясини комбинаторика усуллари асосида ишлаб чиқиш ва илмий асослаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида:

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида етиштирилган клейковинага бой “Аср”, “Давр”, “Амангул”, “Навбахор”, “Ўтқир”, “Шуртанбой-1” навлари асосида дуккакли дон (нут) уни қўшилган функционал нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ишланмаси Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманидаги «Кундиз Абиз» нон ишлаб чиқариш кархонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 08 октябрдаги 05/05-02/863-сон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 16 авгкстдаги 03/017-3251-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида 3 тонна (60 қоп) ундан функционал нон ишлаб чиқариш учун кетган харажат 32 520 000 минг сўм бўлиб, маҳсулот сотишдан олинган соф фойда 7 800 000 сўмни ташкил этган.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида етиштирилган клейковинага бой , “Давр”, “Амангул”, “Навбахор”, “Шуртанбой” навлари асосида дуккакли дон (мош) уни қўшилган функционал нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ишланмаси Қорақалпоғистон Республикаси Қараўзак туманидаги «Асем шадат» нон ишлаб чиқариш кархонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 08 октябрдаги 05/05-02/863-сон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 16 авгкстдаги 03/017-3251-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида 2 тонна ун яни 40 қоп ундан функционал нон ишлаб чиқариш учун кетган харажат 21 680 000 сўм бўлиб, маҳсулот сотишдан олинган соф фойда 5 млн. 200 минг сўмни ташкил этган.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида етиштирилган клейковинага бой “Аср”, “Давр”, “Амангул”, “Навбахор”, “Ўтқир”, “Шуртанбой-1” навлари асосида дуккакли оксил брикет (мош+нут) уни қўшилган функционал нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ишланмаси Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги «Фазил Ҳасил» нон ишлаб чиқариш кархонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 08 октябрдаги 05/05-02/863-сон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 16 авгкстдаги 03/017-3251-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида 1 (бир) тонна, яъни 20 қоп ундан функционал нон ишлаб чиқариш учун кетган харажат 10 840 000 сўм бўлиб, маҳсулот сотишдан олинган соф фойда 2 млн. 600 минг сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр қилинган ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Функционал нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бугдой тур ва навлари, озуқавий қўшимчалар ва замонавий технологияларнинг роли (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот муассасаларининг тадқиқотчилари ва республикамиз олимларининг шу мавзуда олиб борган илмий-тадқиқотлари ва илмий манбалар шарҳланган. Хусусан, бугдойни ҳар хил тур ва кенжа турларининг таърифи, етиштириш технологияси, биологик хусусиятлари ва новвойлик кўрсаткичлари, функционал нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳар хил озуқавий қўшимчаларнинг қўлланилиши, нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришда замонавий технологияларнинг ўрни юзасидан илмий маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни ўтказиш шароити, мақсади, объекти, дастури ва услуби”** деб номланган иккинчи бобида танлаб олинган тадқиқот мавзуси бўйича асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг табиий тупроқ ва иқлим шароитлари ва тадқиқот олиб бориш услуби юзасидан маълумотлар келтирилган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот ўтказиш шароити» бўлимида тадқиқот учун танлаб олинган бугдой навлари етиштирилаётган Қорақалпоғистон Республикаси туманларининг табиий-иқлим шароитлари ва тупроғининг агрокимёвий таҳлили бўйича маълумотлар ёритилган.

Ушбу бобнинг «Тадқиқот ўтказиш услублари» бўлимида ишлаб чиқилган мавзунинг илмий дастурига мувофиқ ҳар бир алоҳида тажрибани ўтказиш тартиби ва услуби баён этилган.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистонда иқлимлаштирилган бугдой донларининг сифат кўрсаткичлари, новвойлик хусусиятлари ва**

озукавийлик қиймати” деб номланган учинчи бобидан бошлаб тадқиқот натижалари берилган. Ушбу бобнинг «Қорақалпоғистонда иқлимлаштирилган буғдой донларининг сифат кўрсаткичлари ва новвойлик хусусиятлари» деб номланган бўлимида тадқиқот учун танлаб олинган Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар хил туманларида етиштирилган маҳаллий ва интродукцион буғдой навларининг асосий сифат кўрсаткичлари ва новвойлик хусусиятлари таҳлил қилинган. Тажриба учун буғдой партияларидан ажратиб олинган навмуналарда буғдой навларининг асл оғирлиги, тури ва кенжа тури, дон намлиги, бегона аралашмалар, шу жумладан бошқа донлар аралашмаси миқдори каби сифат кўрсаткичлар аниқланган. Буғдой навлари донидан олинган унларнинг асосий новвойлик кўрсаткичларини белгиловчи параметрлар сифатида эса клейковина миқдори, унинг кучи (ИДК – клейковинанинг деформацияси индекси), оқсил чўкиш сони, шаффофлиги, кул миқдори каби кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Қорақалпоғистон Республикасида иқлимлаштирилган буғдой навларининг асл оғирлиги 700-750 г/л оралиғида бўлди. Энг юқори асл оғирлик “Амангул” (назорат), “Навбаҳор” ва “Васса” навларида кузатилди. Бу эса уларнинг ушбу ҳудуд шароитида яхши пишиб етилишидан далолат беради.

Ўрганилган навларнинг барчаси 4-тур ва 3-кенжа турга мансублиги аниқланди.

Бегона аралашмалар миқдори 4,0-5,0 ва бошқа донлар аралашмаси 8,0-14,0 % оралиғида бўлди. Ушбу кўрсаткичлар донни қабул қилишда стандарт талаблари чегарасида бўлсада, амма агротехника ва йиғим-терим шароитларининг нисбатан пастроқ даражада ташкил этилганлигини кўрсатади.

Тажрибада ўрганилган буғдой навлари дон партияларининг намлиги 15,0-16,0 % атрофида бўлди, бу стандарт талабидан 0,5-1,5 % га кўпроқ демакдир. Буни донни силосларга жойлаштиришда эътиборга олиш ва дастлабки қуритишдан ўтказишнинг зарурлигини кўрсатади.

Клейковина миқдори бўйича “Давр” ва “Навбаҳор” навлари устунлик қилди. Уларда клейковина 24,0% атрофида бўлиб, назоратдан 1,0% га юқори бўлди. Назорат даражасидаги навлар сифатида “Шўртанбай”, “Васса” ва “Гурт” навларини кўрсатиш мумкин.

Энг кам клейковинали навлар сифатида “Аср”, “Гром”, “Краснодар”, “Антонино” ва “Алексеевич” навлари ажралиб турди. Улардан сифатли нон чиқиши кам бўлди ва кучли клейковинали ун қўшиш тақозо этилди.

ИДК кўрсаткич бўйича ҳам “Давр” ва “Навбаҳор” навлари ажралиб турди. Унинг қиймати назорат “Амангул” (назорат) нави каби 70 оралиғида бўлди. Қолган навларда ИДК қиймати 80-100 оралиғида бўлди.

Оқсил чўкиш сони бўйича энг яхши кўрсаткичлар (200) “Амангул” (назорат), “Шўртанбай”, “Давр” ва “Навбаҳор” навларида кузатилди. Қолган навларда ушбу қиймат 160-180 сония оралиғида бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида иқлимлаштирилган буғдой навларининг новвойлик кўрсаткичлари бўйича фарқланиши (2021-2023 йй)

Бугдой нави	Клейковина миқдори, %	ИДК кўрсат- кичи	Оксил чўкиш сони, сония	Шаффоф- лиги, %	Кул элемент- лари, %
Амангул – наз.	23,0	70	200	50,0	1.8
Шўртанбай	23,0	80	200	51,0	1,85
Давр	24,0	71	200	52,0	1.83
Аср	21,0	100	180	41,0	1.75
Ўткир	22,0	100	180	40,0	1.8
Навбахор	24,0	70	200	55,0	2,0
Гром	21,0	100	180	40,0	1,79
Краснодар	21,0	100	180	38,	1,78
Антонино	22,0	100	180	42,0	1.80
Алксеевич	22,0	100	180	45,0	1,96
Васса	23,0	98	160	55,0	1,97
Гурт	23,0	98	160	55,0	1,98

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, доннинг шаффофлиги 50,0% дан юқори бўлган навлар сифатида “Амангул” (назорат), “Шўртанбай”, “Давр”, “Навбахор”, “Васса” ва “Гурт” навларини кўрсатиш мумкин. Қолган навларнинг шаффофлиги 38,0-45,0% атрофида бўлди.

Кул элементлари миқдори бўйича ўрганилган навлар деярли фарқланмади, уларда ушбу кўрсаткич навлар бўйича мос ҳолда 1,78-2,0% оралиғида бўлди.


Диссертациянинг «Қорақалпоғистонда иқлимлаштирилган бугдой навларидан нон чиқиши ва уларнинг сифат кўрсаткичлари» деб номланган бўлимида Қорақалпоғистон Республикаси шароитида етиштирилаётган маҳаллий ва интродукцион бугдой навлари I-нав унидан тайёрланган қолипни нонларнинг сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва органолептик баҳоси аниқланган. Нон тайёрлаш рецептураси ва технологияси қуйидагича: 100 кг тайёр маҳсулот учун туз – 1,5 кг, прессланган ачитки – 1,5 кг, ичимлик суви – 45,5 % намликдаги хамирга хос миқдорда. Олинган хамир 120 дақиқа давомида 30-32 °С ҳароратда бижғитишга қўйилди, сўнгра бўлаклаш ва тиндириш бўлимида 40 дақиқа давомида 35-40 °С ҳароратда тиндириш учун юборилди. Шундан сўнг хамирли бўлақлар пиширишга юборилди (қолипни усулда).

Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, ўрганилган навлар биринчи нав унидан тайёрланган нонларнинг энг йирик ҳажми “Давр” ва “Навбахор” навларида кузатилди, мос ҳолда 1050 ва 1030 мл. Бу эса назорат – “Амангул” (назорат) навининг ушбу кўрсаткичидан (1020 мл) 30 ва 10 мл га юқори демакдир. Қолган навларда нон чиқиши 870-1000 мл оралиғида бўлди. Бу эса навлар клейковинаси кучидаги фарқ билан боғлиқ.

Органолептик кўрсаткичлар бўйича энг юқори – 38 балл баҳо “Давр” ва “Навбахор” навларига қўйилди. Ушбу навларнинг органолептик баҳоси

назорат (35 балл) навига нисбатан 3,0 баллга юқори бўлганлиги кузатилди. Қолган навларнинг органолептик баҳоси мос ҳолда 26-34 балл оралиғида бўлди.

Ўрганилган буғдой навлари биринчи нав унидан тайёрланган нонлар сифат кўрсаткичларининг бундай фарқланиши қуйидаги 1-расмда яққол акс этган. Ушбу расмда бир хил рецепт ва технологик тизимда тайёрланган нонлар мағзи ўртасидаги фарқ яққол кўринади. Унга кўра нонлар мағзининг ғоваклиги ўртасидаги тафовут акс этади.



1-расм. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида етиштирилган буғдой навлари биринчи нав унидан тайёрланган нонлар мағзининг ғоваклиги ва нордонлиги (2021-2023 йиллар)

1- расм маълумотлари шуни кўрсатадики, мағзи зич ва сифатли нон “Давр” ва “Навбахор” нави унидан тайёрланган нонларда кузатилди. Нон мағзининг ғоваклиги бўйича назоратга яқин кўрсаткичлар “Шўртанбай”, “Васса” ва “Гурт” навларида кузатилди. Қолган навларда мағзи ҳаддан ташқари ғовак, катта-катта ҳаво пуфакчали бўлиб чиқди.

Диссертациянинг «Қорақалпоғистон иқлимида етиштирилган буғдой навларидан функционал (бойитилган) нон тайёрлаш рецептини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида Қорақалпоғистон иқлимида етиштирилган буғдой навлари унга дуккакли донлар (нут ва мош) удини кўшиш йўли билан оқсилга бойитилга функционал нон тайёрлашнинг мақбул рецептини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Хусусан, ушбу бобнинг «Буғдой унидан функционал (бойитилган) нон-булка

махсулотлари таёрлаш технологик схемаси» деб номланган бўлимида танлаб олинган Қорақалпоқ маҳаллий буғдой нави I-нав унидан дуккакли донлар (нут ва мош) уни қўшилган функционал нон таёрлашнинг технологик схемаси назарий ишлаб чиқилди (2-расм).

Диссертациянинг **“Махсус рецептлар асосида тайёрланган буғдой нонларининг сифат кўрсаткичлари таҳлили”** деб номланган бўлимда аввалги тажрибаларда ўзининг юқори кўрсаткичлари, яъни хажм оғирлиги, клейковина миқдори, ИДК кўрсаткичи, оқсил чўкиш сони, биринчи навли унидан тайёрланган ноннинг хажми ва органолептик баҳоси билан юқори кўрсаткичларга эга бўлган “Навбахор” навидан фойдаланилди. Ушбу буғдой нави донидан олинган биринчи навли ундан функционал нон хамирини тайёрлаш рецепти қуйидагича: функционал бойитувчи (нут, мош ёки оқсил брикет уни) уни 1,0 дан 10,0% гача (тажриба вариантлари), хамиртуруш – 1,5%, туз – 1,5% ва ичимлик суви 45% намликдаги хамир тайёрлашга мос миқдорда. Ушбу рецептура асосида тайёрланган қолипли нонларнинг ҳажмий кўрсаткичлари ва органолептик баҳоланишида қуйидаги натижалар олинди.

Буғдойнинг “Навбахор” нави 1-навли унидан функционал бойитилган нон ишлаб чиқариш учун нут унини 2,0% миқдорида қўшиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу миқдорда нут уни қўшилган нонларнинг мағзи енгил сарғиш, таъми ва ҳиди 1-нав буғдой унидан тайёрланган нонга хос, нут таъми ёқимли сезилувчан бўлди. Органолептик баҳоси энг юқори, яъни 42 балл атрофида баҳоланди. Нут уни 2,0% миқдорида қўшилган 1-навли буғдой нонининг умумий ҳажми 1010 мл, намлиги 45,5%, нордонлиги 2,1 даража ва мағзининг ғоваклиги 69% ни ташкил этади.

Буғдойнинг “Навбахор” нави 1-навли унидан функционал бойитилган нон ишлаб чиқариш учун мош унини ҳам 2,0% миқдорида қўшиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу миқдорда мош уни қўшилган нонларнинг мағзи енгил қорамтир, таъми ва ҳиди 1-нав буғдой унидан тайёрланган нонга хос, мош таъми жуда кучсиз, аммо ёқимли сезиладиган бўлди. Органолептик баҳоси назорат каби, яъни 38 балл атрофида баҳоланди. Мош уни 2,0% миқдорида қўшилган 1-навли буғдой нонининг умумий ҳажми 955 мл, намлиги 46,0%, нордонлиги 2,1 даража ва мағзининг ғоваклиги 68% ни ташкил этди.

заготовкларни жойлагич; 19 – тиндириш жавони; 20 – печ; 21 – нон тахловчи механизм; 22 – тайёр нонлар юкланган контейнер.

Буғдойнинг “Навбахор” нави 1-навли ундан функционал бойитилган нон ишлаб чиқариш учун оксил брикет унини 3,0% миқдорда қўшилганда энг юқори органолептик кўрсаткичларга эга бўлган нонлар олинди. Бунда назорат вариантдан ўзининг кўриниши, таъм сифатлари, хиди бўйича ажралиб турадиган ажойиб таъмли ва кўринишли нон олинди. Ушбу тажриба вариантыда ноннинг хажми 990 мл, яъни назоратдан сезиларсиз кичикроқ, мағзи енгил хира бўлсада, таъми ва хиди 1-нав буғдой ундан тайёрланган нонга хос, оксил брикет таъми ёқимли тарзда сезилиб турди. Органолептик баҳоси ҳам оксил қўшилганлиги ва ажойиб таъм сифатлари сабабли назоратдан 5 баллга юқорироқ, яъни 43 балл билан баҳоланди. Оксил брикет уни 3,0% миқдорда қўшилган 1-навли буғдой нонининг намлиги 45,5%, нордонлиги 2,0 даража ва мағзининг ғоваклиги 69% ни ташкил этди (3-расм.).

«Қорақалпоғистон иқлимида етиштирилган буғдой донлардан функционал (бойитилган) нон ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бўлимда ишлаб чиқилган рецептура бўйича функционал нон тайёрлаш усулининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш юзасидан амалга оширилган таҳлилий маълумотлар келтирилган.



3-расм. Энг юқори органолептик кўрсаткичларга эга бўлган функционал қўшимчали қолипда пиширилган ва оби нонларнинг кўриниши:

1 – назорат – бойитувчи қўшилмаган; 2 – 2,0% миқдорда нут уни қўшилган; 3 – 2,0%

миқдорда мош уни қўшилган; 4 – 3,0% миқдорда оксил брикет уни қўшилган;

ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистон Республикасида иқлимлаширилган буғдой навларининг асл оғирлиги 700-750 г/л оралиғида бўлди. Энг юқори асл оғирлик “Амангул” (назорат), “Навбаҳор” ва “Васса” навларида кузатилди. Бу эса уларнинг ушбу ҳудуд шароитида яхши пишиб етилишидан далолат беради.

2. Клейковина миқдори бўйича “Давр” ва “Навбаҳор” навлари устунлик қилди. Уларда клейковина 24,0% атрофида бўлиб, назоратдан 1,0% га юқори бўлди. Назорат даражасидаги навлар сифатида “Шўртанбай”, “Васса” ва “Гурт”, энг кам клейковинали навлар сифатида “Асп”, “Гром”, “Краснодар”, “Антонино” ва “Алексеевич” навлари ажралиб турди. Улардан сифатли нон чиқиши кам бўлди ва кучли клейковинали ун қўшиш тақозо этилди. Оксил чўкиш сони бўйича энг яхши кўрсаткичлар (200) “Амангул” (назорат), “Шўртанбай”, “Давр” ва “Навбаҳор” навларида кузатилди. Қолган навларда ушбу қиймат 160-180 сония оралиғида бўлди.

3. ИДК кўрсаткичи (70 оралиғида) бўйича ҳам “Давр” ва “Навбаҳор” навлари ажралиб турди. Қолган навларда ИДК қиймати 80-100 оралиғида бўлди.

4. Доннинг шаффофлиги 50,0% дан юқори бўлган навлар сифатида “Амангул” (назорат), “Шўртанбай”, “Давр”, “Навбаҳор”, “Васса” ва “Гурт” навларини кўрсатиш мумкин. Қолган навларнинг шаффофлиги 38,0-45,0% атрофида бўлди.

5. Ўрганилган навлар биринчи нав унидан тайёрланган нонларнинг энг йирик ҳажми “Давр” ва “Навбаҳор” навларида кузатилди, мос ҳолда 1050 ва 1030 мл. Бу эса назорат – “Амангул” навининг ушбу кўрсаткичидан (1020 мл) 30 ва 10 мл га юқори демакдир. Қолган навларда нон чиқиши 870-1000 мл оралиғида бўлди. Бу эса навлар клейковинаси кучидаги фарқ билан боғлиқ.

6. Органолептик кўрсаткичлар бўйича энг юқори – 38 балл баҳо “Давр” ва “Навбаҳор” навларига қўйилди. Ушбу навларнинг органолептик баҳоси назорат (35 балл) навига нисбатан 3,0 баллга юқори бўлганлиги кузатилди. Қолган навларнинг органолептик баҳоси мос ҳолда 26-34 балл оралиғида бўлди.

7. Буғдойнинг “Навбаҳор” нави 1-навли унидан функционал бойитилган нон ишлаб чиқариш учун нут унини 2,0% миқдорида қўшиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу миқдорда нут уни қўшилган нонларнинг мағзи энгил сарғиш, таъми ва ҳиди 1-нав буғдой унидан тайёрланган нонга хос, нут таъми ёқимли сезилувчан бўлди. Органолептик баҳоси энг юқори, яъни 42 балл атрофида баҳоланди.

8. Буғдойнинг “Навбаҳор” нави 1-навли унидан функционал бойитилган нон ишлаб чиқариш учун мош унини ҳам 2,0% миқдорида қўшиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу миқдорда мош уни қўшилган нонларнинг мағзи энгил қорамтир, таъми ва ҳиди 1-нав буғдой унидан тайёрланган нонга хос, мош таъми жуда кучсиз, аммо ёқимли сезиладиган бўлади. Органолептик баҳоси назорат каби, яъни 38 балл атрофида баҳоланди.

9. Буғдойнинг “Навбаҳор” нави 1-навли унидан функционал бойитилган нон ишлаб чиқариш учун оксил брикет унини 3,0% миқдорида қўшилганда энг

юқори органолептик кўрсаткичларга эга бўлган нонлар олинди. Органолептик баҳоси оқсил кўшилганлиги ва ажойиб таъм сифатлари сабабли назоратдан 5 баллга юқорироқ, яъни 43 балл билан баҳоланди.

10. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида юқори сифатли нон ишлаб чиқариш учун дончилик фермер хўжаликлари ва новвойлик корхоналарига қуйидагилар, яъни:

асл оғирлиги юқори, клейковинаси сифатли ва кучли “Давр” ва “Навбахор” навларини экиш;

нон ишлаб чиқаришни опарали усулда амалга ошириш;

функционал бойитувчи сифатида нут уни (2,0%), мош уни (2,0%) ёки оқсил брикет унidan (3,0%) фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КОСБЕРГЕНОВА БИБИНАЗ МУРАТБАЕВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА
ФУНКЦИОНАЛЬНОГО ХЛЕБА ИЗ КАРАКАЛПАКСКИХ СОРТОВ
ПШЕНИЦЫ**

**06.01.11 – Технология хранения и переработки сельскохозяйственной
продукции**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за В2021.3.PhD/Qx802

Диссертация выполнена в Ташкентского государственного аграрного университета
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Салихов Суръат Акрамович доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Азизов Ақтам Шарипович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Саттаров Карим Каршиевич доктор технических наук, профессор
Ведущая организация	Самаркандский институт агроинноваций и исследований

Защита диссертации состоится 16 мая 2025 года в 14:00 часов на заседании Научного совета при Ташкентском государственном аграрном университете DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 (Адрес: 700140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tdau-info@tdau.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-й этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирован под 552729) (Адрес: 700140, Ташкент, Университетская улица, дом №2. Информационно-ресурсный центр Ташкентского государственного аграрного университета. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 1 мая 2025 года.
(реестр протокола рассылки номер № 11 от 28 марта 2025 года)



Ш.Н.Асатов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
д.с.х.н., профессор

М.З.Холмуратов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,
д.ф.с.х.н., (PhD) доцент.

С.А.Юнусов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в целях обеспечения продовольственной безопасности и удовлетворения спроса на зерновые продукты в мире выращивается около 788,95 млн тонн пшеницы. Значительная доля валового сбора приходится на “Китай (138,0 млн. тонн), страны Европейского Союза (134,7 млн. тонн), Индию (103,0 млн. тонн), Россию (91,0 млн. тонн), США (44,9,31 млн. тонн), Канаду (35,0 млн. тонн). По объему производства пшеницы Узбекистан занимает 24-е место с 6,3 млн. тонн”¹. В этих странах, являющихся лидерами по выращиванию пшеницы, одной из актуальных задач является создание высокоурожайных сортов пшеницы с высоким содержанием и силой клейковины в составе зерна, устойчивых к стрессовым факторам окружающей среды, расширение ассортимента хлебобулочных продукции, предназначенных для различных групп населения.

В последние годы в мире проводятся научные исследования, связанные с выращиванием и переработкой пшеницы, в основном направленные на создание высокоурожайных, с сильной клейковиной и устойчивых сортов, а также на разработку рецептур лечебных хлебобулочных продукции, обогащенных возобновляемым растительным сырьем, предназначенных для больных сахарным диабетом, целиакией и другими опасными заболеваниями, а также для слоев населения, работающих в условиях сильного напряжения. В связи с этим, хлебобулочные изделия, предназначенные для больных сахарным диабетом, в США из смеси пшенично-кукурузной и пшенично-соевой муки, в Китае и Японии с добавлением клеток чайных грибов (постбиотики), с добавлением рисовой муки; в Иране с низким гликемическим индексом разработаны технологические рецептуры приготовления хлебобулочных продукции из смеси ржаной и цельно взвешенной мягкой пшеничной муки с добавлением муки нут, в России и многих развитых странах Европы. В нашей республике спрос на ассортимент подобных видов хлебобулочных продукции увеличивается из года в год. Поэтому внедрение подобных рецептур в республику, разработка новых рецептур с использованием имеющегося в республике сырья является одним из важных вопросов.

В последние годы в нашей республике проводится ряд исследований по налаживанию производства пшеничной муки, богатой питательными веществами, увеличению производства из нее хлебобулочных продукции. В Новой Стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы также особо отмечено “увеличение производства, переработки и экспорта продовольственных товаров, а также производства продукции с высокой пищевой ценностью”². В связи с этим актуальной задачей является выращивание и хранение зерна с высоким содержанием белка (30% и более), расширение ассортимента функциональных хлебобулочных продукции,

¹ [https://www.fao.org/worldfoodsituation/csdbr/ru#:~:text=](https://www.fao.org/worldfoodsituation/csdbr/ru#:~:text=;); [https://agroportal.ua/ru/news/mir/top-20-svitovih-virobnikiv-pshenici](https://agroportal.ua/ru/news/mir/top-20-svitovih-virobnikiv-pshenici;); https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_стран,_производящих_пшеницу

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года "О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы"

предназначенных для различных групп населения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 16 января 2018 года № УП-5303 "О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны," от 23 октября 2019 года № УП-5853 "Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы", № УП-6097 от 30 октября 2020 года "Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года, и Постановлении Президента Республики Узбекистан от 5 апреля 2023 года № ПП-113 "О дополнительных мерах по расширению производства и переработки сельскохозяйственной продукции, а также ее поддержке" а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В мировой практике современные научные исследования проводятся в направлениях создания новых сортов пшеницы, применения инновационных технологий в их переработке, расширения ассортимента продукции, получаемой из пшеницы. В частности, ведутся работы по выведению и испытанию высокоурожайных и устойчивых сортов пшеницы, разработке рецептур функциональных (безглютеновых, с низким гликемическим индексом, богатых белком и т.д.) хлебобулочных продукции, предназначенных для различных групп населения, в мире проводили научные исследования такие ученые, как D.Peressini, I.Taglieri, L.Miller, A. Wolter, A.Sh. Peters, M.Moore, C.W. Horstmann, L.Cato и др., в странах СНГ А.В. Яицких, Ю.Староверова, Б.Н. Троицкого, О.Л. Вершининой, И.А. Баданиной, А.В. Паймулиной З.Н. Молдакуловой, Б.А. Серикбаевой и др., в нашей стране Х.Н. Атабаевой, М.Маннаповой, Д.Ё. Ёрматовой, К.Х. Мажидов, И.Б. Исабаев, Г.З. Джахангирова, Д.А. Гафурова, Ф.Ю. Хамидова, в частности, в Республике Каракалпакстан Б.А. Бекбанов, О.Нагиметов, Д.У. Утамбетов, Г.Аллашов, А.М. Абдуазимов, К.Е. Кудайбергенова, Б.Т. Реймова, З.С. Султанова проводили широкомасштабные научные исследования.

